

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кун

ҲАВАСИМ КЕЛАДИ СЕНГА, БОЛАЖОН!

Мусаффо тонгни шодон кутиб олиб, ота-онаси бағрида нонушта қилган, қадрдон мактабида устозлари меҳрига қониб, иштиёқ билан билим олган қорақўз болажон, сенга чин юракдан ҳавасим келади. Чунки, сен озод юрт фарзандисан, мустақиллик боласисан. Ватанимиздаги барча яхши нарсалар сеники, дунё эшиклари сенга очик.

Сени ҳар бир қадамнинг зийраклик билан кузатувчи, ютуғингдан шодланиб, муваффақиятингдан қувонувчи, юксакларга парвоз этишинг учун елкасини тутиб берувчи Ватанинг бер.

Давоми 2-бетда.



Кучли фуқаролик жамияти сари

Шу кунларда қизгин паллага кирган муҳим ижтимоий жараён – фуқаролар йиғини раиси ва унинг мас-

лаҳатчилари сайлови жойларда қонунийлик тамойиллари асосида давом этмоқда.

БИЗ СИЗГА ИШОНДИК, ОҚСОҚОЛ

Янгийўл туманида бўлиб ўтаётган сайловлар ҳам юртимизда кучли фуқаролик жамияти шаклланиётганининг ёрқин ифодаси, дейиш мумкин. Сайловларнинг ушшоқлик билан ўтишида эса аҳолининг фаоллиги муҳим омил бўлмоқда.

– Айни вақтга қадар 65 та фуқаролар йиғинида сайловлар қонунда белгиланган тартиб-тамоийлар асосида ўтказилди, – дейди Халқ депутатлари Янгийўл туман кенгаши қошидаги кў-

маклашувчи комиссия раиси Нўмон Арипов. – Туман бўйича 86 та фуқаролар йиғинига раислар ва уларнинг мингдан зиёд маслаҳатчиларини сайлаб олиш кўзда тутилган. Бунда аҳоли вакиллари бой ҳаётий тажрибага эга, маҳалланинг иссиқ-совуғидан яхши хабардор бўлган, асосийси аҳолини ортидан эргаштира оладиган йўлбошчиларга ишонч билдирмоқда.

Тумандаги "Гулбахор" маҳалла фуқаролар йиғи-

нида икки ярим мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Кейинги йилларда бу ерда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, намунали уйлар барпо этилди. Маҳалла ҳар томонлама чирой очди. Худудда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар барчага манзур бўлмоқда.

Давоми 2-бетда.

МАРОҚЛИ ТАЪТИЛ – БИР ЙИЛГА ТАТИР

Навбатдаги ўқув йили ниҳоясига етиб, болалар кутган завқли дамлар – ёзги таътил мавсуми ҳам бошланди. Кўплаб ўғил-қизларимиз ёзги оромгоҳларга отланишмоқда.

Шунингдек, мактаб ва МТМлар қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳлар ҳам болалар билан гавжумлашади. Болажонларнинг шодон кулгулари оромгоҳларга янада файз бағишлайди.

Бугуннинг гапи

– Ёзги таътил давомида кўнгулдагидек ҳордик чиқариш кейинги ўқув йилини кўтаринки кайфиятда бошлашга ёрдам беради, – дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирламчи кенгаши раиси Шавкат Собиров. – Бу йил вилоятда мавсум давомида 15 минг, жумладан Орол-

бўйи минтақасидан келадиган 1 минг 250 нафар бола 20 та соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордик чиқаришса, 130 та кундузги оромгоҳда 17 минг 600 нафар ўғил-қиз ёзги мароқли ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари учун 10 та

"Меҳнат ва дам олиш" соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолияти йўлга қўйилади. Оромгоҳларда жами 15 минг 500 нафарга яқин инглиз тили ўқитувчилари, педагог кадрлар, тиббиёт ходимлари, кутубхоначилар, спорт мураббийлари фаолият юритишади.

Давоми 4-бетда.

ФЕСТИВАЛЬ БОШЛАНДИ

Бугун вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманлари бўйлаб Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йилли-

гига бағишланган "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остидаги ёшлар фестивали бошланди.

Матбуот анжумани

Мазкур йирик тадбир олдидан пойтахтимиздаги "Ёшлар ижод саройи"да матбуот анжумани ташкил этилди. Анжуманда қайд этилганидек, ёшларни мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ҳамда демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништи-

риш, ушбу жараёнларга нисбатан дахлдорлик ва шукроналик туйғусини шакллантириш, уларни "оммавий маданият"нинг салбий таъсирларидан асраш, миллий қадриятларимизга садодат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш каби мақсадларни мужассам этган фестивалга вилоятимизда қизғин ҳозирлик кўрилди.

Жумладан, фестивални ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган юздан зиёд таълим муассасалари, маданият ва истироҳат боғлари, аҳоли дам олиш масканлари, спорт майдонлари ҳамда маҳаллалар шай ҳолга келтирилди.

Давоми 2-бетда.

БОҒНИ БОҚҚАН БОЛ ЙИҒАДИ

Халқимизнинг табиати қизиқ, бир парча бўш ер топса, кўчат экади. Бу ота-боболардан қолган анъана-да.

Қишлоқ мулкдорлари

Аждодларимиз қадим-қадимдан сояси танга ором берадиган, ҳавони тозалаб, эркин нафас олишимизни таъминлайдиган дарахтнинг мевасини ошу нонга тенглаштирган. Боғи бор одам бой саналган. Ҳозир ҳам шундай.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳалар қатори боғдорчилик ҳам раванқ топди. Бунинг натижаси ўлароқ, жойларда ўзимизнинг маҳаллий навли мевали дарахтларни кўпайтириш билан бирга хориж тажрибаси маҳсули бўлмиш интенсив боғлар яратишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Аграр соҳадаги ислохотлар Янгийўл туманидаги "Данғир" маҳалласида Бобоевлар оиласи ҳам четлаб ўтмади. 2012 йилда Фулом ака ва Раъно опа

ҳеч иккиланмай "Неъматжон олмалари" фермер хўжалигига асос солишди. Беш гектардан зиёд ерга олма ва олхўри кўчатлари экишди.

Нихол ҳам гўдак мисоли. Унинг "инжиқликлари"ни кўтариб, тўғри парвариш қилинса, келгусида шунга яраша "ҳиммат" кўрсатади. Мана, орадан кўп ўтмай, меҳнаткаш оила боғни "боқиб", болга айлантиришди. Ҳозирги кунда дарахтлар шигил ҳосилга кирган.

Тўғри, ўтган йилги баҳорнинг инжиқликлари кўплар қатори боғбонларга анча азият келтирди, ҳосил яхши бўлмади. Лекин, боғдорчиликка қўл урган одам табиатнинг синовларидан довдираб қолмаслиги, ишнинг кўзини билиши керак. Ф. Бобоев бу йил 22 сотих ерни

плёнка билан ўраб, 26 туп олхўрини тажриба сифатида парваришлагга ўтди. Очик майдондаги дарахт ораларини ҳам бўш қўймади, ярим гектардан сабзи, лавлаги, ошқовоқ, маккажўхори каби экинлар экди. Боққа кираверишдаги йўл чет-

лари турли гул ва райхонга буркангани, боғларнинг бегона ўтлардан холилигини кўриб, хўжаликда "дала маданияти"га қатъий риоя этилаётганининг гувоҳи бўласиз.

Давоми 2-бетда.



Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

Эътироф

Испаниянинг Валенсия шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги халқаро ҳамкорлик мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА БУ ГАЛГИ РАИСЛИГИ ҲАМ ТАШКИЛОТ ТАРИХИДА КАТТА ИЗ ҚОЛДИРАДИ»

Ўзбекистоннинг Мадриддаги элчихонаси томонидан Испаниянинг Стратегик тадқиқотлар институти билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил ва академик доиралари вакиллари иштирок этдилар. Улар Ўзбекистон Республикаси-нинг ШХТ доирасидаги фаолияти ҳамда республикамизнинг ушбу ташкилот ривожланишидаги ҳиссаси билан яқиндан танишдилар.

Ўзбекистон ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги конструктив ва мустақам ҳамкорлик тамойилларига қатъий риоя қилгани ҳолда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалишини таъминлашга интиломоқда.

Бундан ташқари, давра суҳбати қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари, давлатимиз томонидан минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида олға сурилган муҳим ташаббуслар билан ҳам танишдилар.

Испания Конгресси депутати Хосе-Мария Чикийос "Жахон" ахборот агентлигига берган интервьюси чоғида Марказий Осиё барқарорлиги ва хавфсизлиги таъминланишида Ўзбекистоннинг ўрни ўта муҳим эканлигини қайд этди.

– Ўзбекистон мустақиллигини кўлга киритганидан сўнг тинчликни сақлаш ва иқтисодий тараққиёт масалаларида қатъий йўлни тутди, –

деди у. – Бугун бўлиб ўтган тадбир Ўзбекистоннинг ШХТ фаолиятидаги нуктаи назарлари тўғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш имкониятини яратди. Мамлакатингизнинг ШХТга раислиги доирасидаги фаолияти янада самарали бўлишига тилакдоршман.

– Ўзбекистоннинг ШХТга ҳозирги раислиги мазкур ташкилотнинг 15 йиллик юбилейига тўғри келгани чўқур рамзий маънога эга, – деди Валенсиядаги Европа университети профессори Хорхе Местре. – Шу давр оралиғида, жумладан, Ўзбекистоннинг сый-ҳаракатлари туфайли мазкур бирлашма эътиборли минтақавий тизимга айландики, унинг нуфузи жиддий равишда ошди. Ўзбекистоннинг ШХТ фаолиятида иқтисодий йўналишни кучайтириш зарурлиги борасидаги нуктаи назари жуда маъқул ва тўғридир. Чунки, бу катта минтақадаги барқарорлигининг қўллаб-қувватланишида аҳоли фаровонлигини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатингизнинг бундан олдинги раислиги даврларида унинг ташаббуси билан ШХТ доирасида муҳим қарорлар қабул қилиндики, улар бирлашмага аъзо бўлган барча давлатларнинг манфаатларига жавоб беради. Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига бу галги раислиги ҳам ташкилот тарихида катта из қолдиради.

"Жахон" АА, Мадрид.

Кучли фуқаролик жамияти сари

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида ана шу муваффақиятлар таъкидланди. Вакиллар очик овоз бериш орқали тўрт номзоддан бирини сайлади. Маслаҳатчилар орасидан ҳам обрўли, бошқаларга ўрнатилган оладиган номзодларга овоз берилди.

– Бизнинг маҳаллада 2 минг 700 нафардан зиёд аҳоли яшайди, – дейди Бостонлик туманидаги “Кўктўли” маҳалласи фаоли Эргаш Хасанов. – Улар орасидан вакиллик нормаси асосида 46 нафар фуқаро овоз бериш жараёнида бевоқиф қатнашиш имкониятига эга бўлди. Ишчи гуруҳи томонидан раисликка кўрсатилган номзодлар дастурини тингашга, уларни чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, маҳалла институ-

← Бошлангич 1-бетда.

Тадорик

Фасллар тақвимида ёз бошланди. Кузга ҳали уч ой, қишга эса олти ой бор. Шундан келиб чиқиб, айримлар халқ ҳўжалиги тармоқларини кузги мавсумига тайёрлашга ҳали эрта дейишлари мумкин. Аслида ундай эмас.

ҲАЛИ ЭРТА, ДЕМАНГ

“Қиш ғамини ёзда е”, деб беҳиз айтилмайди. Шу боис газ ва электр таъминоти корхоналарида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳаракати аллақачон бошлаб юборилган.

Жумладан, Янгийўл туманида ҳаво электр тармоқларини, трансформатор пунктлари ва кабелъ линияларини кўриқдан ўтказиш, жорий ва мукамал таъмирлаш ишлари қизғин паллага кирди. Чунки, режадаги 100,16 километр узунликдаги ҳаво тармоқларидан 29,3 километри, яъни 29 фоизи кўздан кечирилиб, тартибга келтирилди.

Режага киритилган ҳаво тармоқларининг қарийб тўртдан бир қисми жорий таъмирланди. Симёочлар тўлиқ тартибга келтирилди.

20 километр узунликдаги трансформатор пунктлари жорий таъмирланиб, муҳофаза воситалари тозаланди.

Ҳаво тармоқларининг режага нисбатан 27 фоизи, трансформатор пунктларининг 47 фоизи мукамал таъмирланди. Кабелъ линияларининг 34,3 фоизи синовдан ўтказилди.

– Энг кўп содир бўладиган ҳолат кучли шомоллар пайтида электр симларининг узилишидир, – дейди корхона раҳбари Мурод Тўраев. – Электр линияси ўтган жойдаги баланд дарахт шохлари шу каби мураккабликларни келтириб чиқармоқда. Бундай ҳолларда электр таъминотини қайта тиклаш учун анча вақт керак бўлади. Шу боис, маҳаллий аҳоли вакиллари ўз ҳудудларидан электр симларига тегиб турган дарахт шохларини вақти-вақти билан кесиб турсалар, узлуксиз электр таъминотида ҳисса қўшган бўлардилар.

Абдусамид
Йўлдошев,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири.

тининг ўрни ва нуфузи тобора ошиб бораётган бугунги кунда йиғин раисидан ташкилотчилик, ташаббускорлик, фидойилик талаб этила-

БИЗ СИЗГА ИШОНДИК, ОҚСОҚОЛ

ди. Айнан ана шу фазилатлар Миралим Тўйчиевда мужассам эканига ишонч ҳосил қилган маҳалладошлар уни раисликка сайлашди.

Оққўрғон тумани маҳаллаларида бўлиб ўтган сайлов жараёнида ҳам муқобиллик, ошкоралик ва тенглик тамойиллари намойён бўлмоқда. Бу эса фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларида энг муносиб номзодларнинг сайланишига

замин яратмоқда. Тумандаги “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган муҳим ижтимоий жараён бунга яққол мисол бўла олади.

Раисликка кўрсатилган

номзодлар ҳам сайловда дастурларида юқоридаги эзгу мақсадларга алоҳида аҳамият қаратишди. Ҳудуддаги 31-умумтаълим мактабига йиғилган 63 вакил дастурни диққат билан тинглаб, муносабатларини билдирди.

Сайлов натижаларига кўра, Абдуллажон Соипов сайловчиларнинг кўпчилиги овози билан маҳалла раиси этиб сайланди. Шунингдек, раиснинг 9 маслаҳатчиси ҳам муқобиллик асосида танлаб олинди.

олиш, тадбиркорликни, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш долзарб вазифалардан саналади.

Раисликка кўрсатилган

Маҳалла – фуқаролик жамияти институтлари тизимида, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш давлат дастурларини амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашда янада муҳим ўрин эгалламоқда. Шу жиҳатдан фуқаролар йиғинларига бўлиб ўтадиган сайловлар маҳаллалар фаолиятининг ривожини, мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, бугун сайланаётган ҳар бир раис ва унинг маслаҳатчилари ўзларига билдирилган ишончнинг оқлаган ҳолда, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида бор куч ва ғайратларини сафарбар этишлариغا ишонамиз.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири.

УМИД ВА ЭЪЗОЗ ОҒУШИДА

Халқимиз азалдан болажонлиги, оилапарварлиги билан танилган. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди. Демак, ҳар қандай фарзанд ҳар қачон, ҳар вақт ота-она меҳри, эътибори, Ватанининг ҳимоясини ҳис этиб улғаяди.

Ҳамхўрлик

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида “Бор меҳримиз, сизга, болажон!” шиори остида уюштирилган байрам тадбири бағри кенг халқимизнинг белтакор инсоний фазилатларини яна бир бор намойён этди. Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” меҳмонхонасида ёзилган тўкин дастурхон, эсдалик совғалари, байрам дастури, Республика кўғирчоқ

театрининг “Карвонсарой” спектакли намойиши болажонларга завқ бағишлади.

Шунингдек, вилоят ногиронларни иқтисодий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази ташаббуси билан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижроси доирасида, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган вилоятимиздаги 100 дан ортиқ имконияти



чекланган болалар эндокринология, вирусология марказлари, стоматология институтида бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Сўнг болажонлар учун “Самарқанд дарвоза”, “NEXT” кўнгилочар марказларига саёҳатлар уюштирилди. Бу каби саёҳат

ҳаракатлар мамлакатимизда инсон қадрини барча нарсадан азиялиги, ижтимоий ҳимоя масаласи давлат сиёсатининг асосий йўналиши эканини яна бир тасдиқидир.

Сайёра ЭШМАТОВА,
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

ФЕСТИВАЛЬ БОШЛАНДИ



– Боғимизга ярим пакана дарахтлар эканмиз, – дейди Ф. Бобоев. – Чунки уларни парваришлаш бир мунча осон. Одатда, пакана дарахтлар симбағазларга тортилмас, шохлари ҳосилини кўтара олмай синиши мумкин. Ярим пакана дарахтларга эса бу шарт эмас, уларнинг танаси бакувват, қаддини тик тутиб тура олади. Ҳар бир дарахтдан 15-20 килограммгача ҳосил олиш мумкин.

Унинг айтишича, боғдорчиликда энг муҳим тадбирлардан бири дарахтларга ўз вақтида шакл бериш экан. Сабаби, шакл берилган дарахтлар бир-бирига ҳалақат бермай, эркин ўсади. Бунда асосий новда қолдирилиб, ортиқчалари кесиб ташланади. Чунки ортиқча новдалар дарахт озиқасига шерик бўлиб, ҳосил қўғи ва сифатини пасайтиради. Қуртақ уйғонишдан олдин, яъни эрта баҳорда дарахтлардориланади. Кейинги

← Бошлангич 1-бетда.

дори гуллар яхши чанглан, мева тукканда сепиллади. Ҳар куни эрта саҳарда боғни айланаман, – дейди хонадон соҳиби. – Биласизми, дарахтлар ҳам ўзига ҳақ бир дунё, эринмай, синчиклаб қузатсангиз уларга нима

маслаҳатчиси бўлиб ишланган кезлари йил давомида ҳамма хонадонларни айланиб, яшаш тарзлари билан қизиқар ва ҳомилалар аёллар саломатлигига ҳам алоҳида эътибор қаратарди. Уни ўйлантирадиган муаммо бўлажак оналардаги камқон-

лик касали эди. Дори-дармонлар уни вақтинча тўхтатди-ю, аммо маълум вақт ўтгач, яна “бош” кўтарарди. Қандай ёрдам берса бўларкин? Шунда маслаҳатчининг болалиги ёдига тушди. Оиласидагилар ҳеч қачон камқонлик дардини чекишмаган, иммунитетлари доим баланд бўлар ва деярли касалликка чалинмас, шомоллашса ҳам асоратсиз ўтиб кетарди. Негаки, агроном бўлиб ишлаган отаси уларни доим қўғи билан боқарди. Балки, соғлом ва бардам бўлиб юришлари-

нинг сабаби шундадир? Оила бекаси қўғиликка оид китобларни ўқиди, интернетни “типти”. Пархез ҳисобланмиш қўғи гўшти-нинг ниҳоятда шифобахшлигига амин бўлди. Шу тариқа, 2009 йилда оила аъзоларини қўғиликка жалб

эти. Чет давлатларнинг наслдор қўғиларидан келтиришди. Қўғи ҳам етти ҳазинанинг бири экан, қўғиандан-қўғайиб, беш мингтага етди. Шунга яраша хари-дорлари қўғайди, ҳатто шифоналардан ҳам бюрутмалар тушди. Соҳанинг мухтаассисига айланган аёл қайси рангдаги қўғи қайси касалликка даво эканини аниқ билади.

– Бир куни қўғиларимнинг баъзилари касалликка чалинди, – дейди у. – Яна интернетга кирдим, чет эллик му-тахассислар билан мулоқот-

Фестиваль доирасида ўтказиладиган юздан ортиқ тарғибот тадбирларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маданият ва санъат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, кино ва театр актёрлари, ёш олимлар, эстрада хонандалари, давлат мукофоти совриндорларидан иборат 50 дан зиёд республика тарғибот гуруҳи аъзолари иштирок этади. Фестивалга 700 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олиниши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, фестиваль вилоятда ўзига хос янгилик бўлиб, республикамизнинг

← Бошлангич 1-бетда.

бошқа ҳудудларидан фарқли равишда қамраб олин-диган ёшларнинг қўғилиги ва ҳар бир шаҳар ва туман марказларида яқиний гала-концерт уюштирилиши билан алоҳида ажралиб туриши таъкидланди.

Матбуот анжуманида иштирок этган “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б. Ганиев ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари И. Эргашходжаев журналистлар ва тарғибот гуруҳи аъзоларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди.

Аваз ИСРОИЛОВ,
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

да бўлдим ва уларнинг айтганларини қўллаб, касалликни бартараф этдик. Тўғри, кейинги йилларда боғдорчилик билан ўралашиб, қўғи-лигимиз анча “оқсаб” қолди. Лекин боғларимизни изга тушириб олдик, энди яна қўғи-ликин ривожланти-

ришга киришдик. Фермер ҳўжалигидан қайтарканмиз, ҳайдовчи қимлигимизни билгач, мамнуният билан деди: “Уларни яхши танийман. Фулом ака билан аёли жуда меҳнаткаш одамлар. Баҳор, ёз, кузни қўғи-рининг, ҳатто қишда ҳам қўғи-тинади, қўғи тинади, лекин улар тинмайди”. Бу оаддий бир қишлоқ одамнинг меҳнаткаш, соддадил, ортидан эзгу ишлар-у, бебаҳо боғ қолдиришга бел бағланган фермер оиласига берган муносиб баҳоси эди.

Нозима АРСЛОНОВА.

ҲАВАСИМ КЕЛАДИ СЕНГА, БОЛАЖОН!

“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт!” Ортбошимизнинг бу нияти халқимизнинг эзгу мақсадида айланган. Шу боис Ўзбекистон болалари ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом ўсиши, аждодларига муносиб зукко йиғит-қиз бўлиб камолга етиши учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Кенг, озода, шинам қилиб қурилган мактаб ва академик лицейлар энг замонавий зарур техник жиҳозлар билан таъминланмоқда, ўқув дастурлари замонавий таълим стандартлари асосида олиб борилмоқда.

Азиз болажон! Ўзбек халқи ҳеч кимдан кам бўлмаганини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини ҳар қадамда ҳис қилиб ўсаяпсан. Демакки, дилингда юртингга, халқингга нисбатан улкан меҳр, улкан фахр улғаймоқда.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни байрамини сўлим хиёбон бағрида, дўстларинг, устозларинг даврасида нишонлаёсан, маза қилиб қўғиқ айтиб, рақсга тушаяпсан. Ана шунда ўйлаб қолсан, юртимиз шунчалар тинч, турмушимиз фаровон бўлса, мени кимдан ёки нималардан ҳимоя қилишадир?

Сени, аввало, ана шу тинчлик ва осойишталигимизни кўра олмаётган, ёвуз ниятили кимсалардан ҳимоя қиламиз. Уларнинг ширин, аммо ёлғон алдов ва қутқуларидан, гулдек ҳаётингни ҳазон қилишга уринаётган қўғи-лилардан ҳимоя қиламиз. Албатта, бу

← Бошлангич 1-бетда.



ишда ўзинг ҳам бизга ёрдам берасан.

Сени ёрдамнинг жаҳолатга қарши маърифат, яъни яхши билим олиш бўлади. Чунки билимни мингги йиқиди. Агар сен ўз тарихингни яхши билсанг, миллий истиқлол гоёсини чуқур англасанг, сени ҳеч ким йўлингдан адаштиролмайди. Билиминг нуридан ёвузлар қўғишдан қочган кўршапалакдек ўз зулматига қочади.

Фан-техника тараққиётининг юксак чўққиси, компьютер, интернет хизматидан қандай фойдаланаяпсан, уларда сени инсонийлик, олижаноблик билан тўлиб бораётган қалбинг, онгингни заҳарловчи қарашлар, оқимлар таъсири йўқми?!

Сени яна соғлигинг кушандаси бўлган чекиш, ичиш каби ёмон иллатлардан ҳимоя қиламиз. Ота-онанг, устозларинг, маҳалладошларинг ҳар бир қадамингни қузатади. Ошна-оғайнинг ким, бўш вақтингни қандай ўтказасан, катталарга муомаланг қандай?!

Тўғри, булар сенга ёқмайди. Ўз эркингни

олиб қўйишгандай туюлади. Аммо, дўст ачитиб айтди, ҳақиқат эса аччиқ бўлади. Сен ҳозир гуркираб ўсаётган ниҳолсан. Ниҳолга эса, албатта, боғбон нигоҳи, парвариши керак. Шунданга сен ҳар томонлама соғлом воёга етасан... Зеро, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади. Сен Ватанинг келажигисан.

Ўзбекистондаги ҳар бир болани ўз фарзанди деб билган Юртбошимиз сенга – мустақиллик боласига ишонади. Сени Ўзбекистон келажигини порлоқ этувчилар сафида кўради.

Соғлом тан, соғлом онг, покиза юрак билан бу меҳрни ҳис қилган, сен болажон эса, шубҳасиз, бу ишончнинг оқлаш учун интиласан. Интиланга толе ёр. Сенга, Мустақиллик боласига, шунинг учун ҳам биз ҳавас ва умид билан қараймиз. Чунки сенинг нигоҳингда юртимиз шон-шувратини кўраемиз.

Илоҳим, сени ҳам, она Ўзбекистонимизни ҳам ёмон кўзлардан асрасин. Мухомбат ҲАМИДОВА.

ХИЗМАТ МАСЪУЛИЯТИ

Маълумки, 2006 йил 9 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган эди.

Назорат

Моҳиятан олиб қараганда, ушбу қарор йўловчиларга қўғи-лиги асосда ҳавфсиз ҳамда тезкор автомобиль транспорти хизмати кўрсатиш ва бу борада тадбиркорлик фаолияти юритилишини тартибга солиш масалаларига қаратилган.

Вилоят туман ва шаҳарларида шу мавзуга бағишлаб турли тадбир ва давра суҳбатлари уюштирилди. Вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган режага асосан, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати органлари ҳамкорлигида 2016 йилининг I чорагида 276 та назорат тадбирлари ўтказилиб, 5 минг 179 та транспорт воситалари текширилди. 687 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, уни содир этган шахсларга нисбатан 330 млн. сўмдан ортиқ маъмурий жарималар қўғиланилди. Шунингдек, 5 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан тўпланган ҳужжатлар қўғи-лиги чора қўғи-лиги ушбу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ҳавола этилиб, уларга нисбатан жиноий иш қўғи-лиги.

Л. АЗАМОВА,
вилоят ДСБ ахборот хизмати
бош мутохассиси.

Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов

Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудолликка учради. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоир ва адиб Эркин Воҳидов шу йил 30 май кун 79 ёшида вафот этди.

Эркин Воҳидов 1936 йил 28 декабрда Фарғона вилоятининг Олтиарк туманида ўқитувчи оиласида туғилди. 1960 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетини ташкилади.

У ўзининг ижодий ва меҳнат фаолиятини ёшлар нашриётида кичик муҳаррир сифатида бошлади. Кейинчалик мамлакатимизнинг нуфузли нашриётларида муҳаррир, бош муҳаррир, шунингдек, "Ёшлик" журнаlining бош муҳаррири, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти директори каби вазифаларда самарали меҳнат қилди.

Эркин Воҳидов ўзининг сермазмун, бадиий юксак шеър ва достонлари, драматик асарларида она юртимиз ва халқимизга, миллий қадриятларимизга меҳр ва садоқат туйғусини катта маҳорат билан тараннум этди. Унинг бетакрор ижоди миллий руҳи ва халқчилиги, ҳаётийлиги билан адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Атоқли шоир ярим асрдан зиёд ижодий фаолияти давомида "Тонг нафаси", "Қўшим сизга", "Ақл ва юрак", "Менинг юлдузим", "Ёшлик девони", "Тирик сайёралар", "Шарқий қирғоқ", "Келажакка мактуб" каби шеърый тўпламлари, "Нидо", "Қуёш маскани", "Рухлар исёни", "Қўнмур" каби достонлари, "Олтин девор", "Истанбул фожияси" сингари сахна асарлари, "Сўз латофати" бадиий рисоласи, жаҳон адабиётининг Ҳофиз Шерозий, Мирзо Бедил, Гёте, Сергей Есенин каби муомтоз намояндалари меросидан қилган таржималари билан ўзига хос ижодий мактаб яратди. Унинг турли жанрдаги унлаб асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинди.

Мустақиллик йилларида шоирнинг ижодий ва ижтимоий фаолияти янада ёрқин намоён бўлди. Ватанимиз озодлигини, халқимизнинг эркин, обод ва фаровон ҳаётини тараннум этадиган, инсон қадр-қимматини улуғлайдиган бир қанча янги шеърый асарлари, она тилимиз, миллий қадриятларимиз, буюк аجدодларимиз меросини асраб-авайлашга бағишланган китоблари, бунёдкор замондошларимизнинг фидокорона меҳнати, юртимиздаги улкан ислоҳот ва ўзгаришлар ҳақидаги публицистик мақолалари кенг жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Эркин Воҳидов 1990-1995 йилларда Ўзбекистон Олий Кенгаши Кўмитаси раиси, 1995-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар Кўмитаси раиси, 2005-2009 йилларда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари Кўмитаси раиси каби масъул лавозимларда самарали фаолият олиб борди.

У тажрибали ижодкор, жонқуяр ташкилотчи сифатида кўплаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилди.

Эркин Воҳидовнинг ўзбек адабиёти ва санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони фахрий унвонлари, "Дўстлик" ва "Буюк хизматлари учун" орденлари билан мукофотланган эди.

Атоқли шоир, меҳрибон устоз, салимий ва камтарин инсон Эркин Воҳидовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ,
Н. ИСМОИЛОВ, Ш. МИРЗИЁЕВ,
А. ОРИПОВ, М. АҲМЕДОВ, И. МИРЗААЛИЕВ.**

ДЕПУТАТГА САВОЛИМИЗ БОР

Ангрен шаҳар "Толбулоқ" шаҳарча фуқаролар йиғинида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутаты Абдужаббор Сайдуллаев билан учрашув ташкил этилди. Ўзбекистон

"Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан уюштирилган учрашувда йиғин фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Учрашув



Учрашувда мустақиллик йилларида мамлакатимизда, хусусан, Ангрен шаҳрида амалга оширилаётган ислохотлар, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз борди. Шунингдек, дунёнинг турли нукталарида нотинчликлар юз бераётган айти

дамларда мустақилликнинг, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиб яшаш кераклиги таъкидланди. Учрашувда сайловчилар ўзлари ишонч билдирган депутатларига саволлар билан мурожаат этиб, улар фаолиятига оид фикр

мулоҳазаларини билдирдилар. Жумладан, шаҳарча ҳудудидаги йўللари таъмирлаш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, бўш иш ўринлари яратиш, ёғи таътил вақтида болаларнинг истироҳат боғларида кўнглили дам олишлари учун мавжуд шароитни янада яхшилаш, қабристонларни ободонлаштириш, жамоат жойларини кўкаламзорлаштириш каби фикрлар ўртага ташланди.

Нозима РАҲИМОВА.
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

ЧИМЁН ГЎЗАЛЛИГИ ФАСЛ ТАНЛАМАЙДИ

Тошкент Фотосуратлар уйида рассом Хуршид Зиёхоновнинг "Миллий ҳордиқ хусусиятлари" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазма

Таниқли рассомнинг рангтаъсир ва графика йўналишида яратилган ижод намуналарида ўлкамиз табиати, йил фасллари, дала ва боғларда етиштирилаётган ноз-неъматлар, миллий ма

даниятимиз ва турмуш тарзимизнинг айрим қирралари моҳирона акс эттирилган. Экспозициядан жой олган "Миллий ҳордиқ хусусиятлари", "Маҳалла. Гузар", "Ота насихати",

"Йўлбарс водийси", "Пешин", "Бувимнинг эртаги", "Ўзбеклар", "Билим дарахти", шунингдек, Тошкент вилоятининг гўзал масканлари, хусусан, "Хумсонда баҳор", "Хумсонлик кўғирчоқлар", "Юсуфхонада", "Чимёнда қиш", "Чимён атрофида" каби асарлар кўргазмага ташириб буюрган санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Зарифжон АШУРОВ, тиббиёт фанлари номзоди, доцент, врач-нарколог:

"Нима учун чекаман?" номи сўровномада қатнашган 600 нафар иштирокчи чекаётганда ўзини кучлироқ ҳис қилишини таъкидлади. Чекиш мия фаолиятига, танага кўзгатувчи куч сифатида таъсир кўрсатсада, ҳар бир чекилган тамаки жисмоний кучни олиб қўяди. Унинг таркибидида 196 хил зарарли модда мавжуд. Шундан 14 таси гўёхванд модда ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тамаки пассив наркотик деб эълон қилинган. Кашандаларнинг 90 фоизиди ўпка саратони, 25 фоизиди турли юрак хасталиклари юзага келиши таъкидланади тасдиқланган. Ер юзидида ҳар ўн сонияда бир киши чекиш оқибатида вафот этади. Бу бир йилда 6 миллион дегани.

Чекиш инсон танасини секин-аста заҳарлаб, иммунитетини ишдан чиқаради. Муттасил чекиш оқибатида артериялар қўзилувчанлиги йўқолади, мўртлашади, томилар тораяди. Натижада, атеросклероз ва юрак касалликлари олиб боради. Никотин таъсири оқибатида юрак уришининг тезлашиши стенокардия хуружини келтириб чиқаради. Чекувчиларда сурун

кали бронхит 5-6 марта кўп учрайди. Тамаки тутуни таркибидидаги моддалар безлар шиллиқ гипертрофисини чакиради. Улар кўп микдорда балғам ҳосил қилади. Бу эса, ўз навбатида, нафас тизимининг ин

ган бўлиб, никотин таъсирида улар патологик ҳолда шаклланади. Энг ёмони, ёшлиқда ўрғанилган кашандаликдан кейинчалик кутулиш қийин кечади. Никотинга боғлиқлик гўёхвандликка қарама-қарш бўлмайди.

Кеча Халқаро кашандаликка қарши кураш кун ғди

Тамаки чекишнинг зарари матбуотда жуда кўп ёритилади. Тамаки маҳсулотларининг зарари ҳақида айни вақтда керагидан ортиқ маълумот олиш мумкин. Ҳатто, кашандаларнинг ўзлари ҳам бундан хабардор. Бироқ, нима учун улар ўз соғлиқларини йўқотаётганларини билсаларда, тамакига қаттиқ боғланиб қолишмоқда? Қандай чоралар чекувчилар сонини камайтиради? Биз шу ҳақда айрим мутахасссларнинг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдик.

МУБТАЛОЛИК БАЛОСИ

фекцияга қаршилигини камайтиради. Тамаки таркибидидаги курум ва сақич нафас йўлларида ўтириб қолади. Натижада, лорингит келиб чиқади, овоз бўғилиб, хириллаш пайдо бўлади. Респиратор касалликлар хавфи ортади. Чекиш ўпка рақининг 71, нафас йўллари сурункали касаллиқларининг 42 ва юрак қон-томир касалликлари 10 фоизининг сабабчиси бўлади.

Чекиш, айниқса, ўсмирлар учун жуда хавфли. Чунки, бу даврда танада ҳали физиологик функциялар шаклланма

"Бир марта тотиб кўрсам ҳеч нарса қилмайди", деган ўй хато. Кашандалик муложазаси гўёхвандликни даволаш сингари жиддий жараён ва бунда руҳий ҳолат билан ирода муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ёшлар орасида чекишга ружу қўйиш ҳолатларининг олдини олиш, ниҳоятда, муҳим масала. Бунинг учун ёшларда тиббий маданиятни юксалтириш, уларни спорт машғулотида қатъий қарор қилиш, бунга шарт-шароит яратиш барчамизнинг вазифамиз бўлмоғи керак.

Халқаро кашандаликка қарши кураш кун ғди эълон қилинди. 2003 йилда "Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамакига қарши кураши бўйича Ҳадли конвенцияси" қабул қилинди. 174 давлат унинг иштирокчиси ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон ҳам (2012 йил). Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ҳадли конвенциясининг кўпчилиги қоидалари мамлакатимизда қабул қилинган "Реклама тўғрисида", "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида",

рида ўз ифодасини топган. Бу эса умум-этироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мамлакатимизнинг фаол ёндашувини яна бир қарра кўрсатиб беради. Бахриддин УМАРОВ, психология фанлари доктори, профессор: — Баъзи оилаларда катталарнинг тамаки чекишлари сир эмас. Бу эса болада ҳавас, уларга тақлид ҳиссини уйғотди. Ўспирин бу зарарли одатга ўрганиб қолади. Бу ҳолат унинг одоб-ахлоқи издан чиқишига ҳам сабаб бўлади. Хўш, чекишнинг олди

КИСКА ВА ЛУНДА

ЎЗБЕКИСТОН Миллий матбуот марказида республика Маънавият тарбиёт марказининг "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, уларнинг маънавият-тарбиёт ишлари бўйича ўринбосарлари шу кунгача қилинган ишлар ҳақида ахборот бердилар.

□ □ □

ЎЗБЕКИСТОН Хотин-қизлар кўмитаси "Оила" илмий-амалий маркази ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда "Оила институти ва оила қадриятлари ривожланиши истиқболлари" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказди. Анжуманда жамият ҳаётига бевосита алоқадор бўлган маънавият, соғлом, мустақкам оилаларни бунёд этиш шу куннинг долзарб масалаларидан бири эканлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Эъзозли аёллар" гимнастрада спорт гуруҳи фаолиятига бағишланган маънавий-маърифий талбир уюштирилди. Алишер Навоий номи миллий бода ташкил этилган талбирда гимнастика билан шуғулланаётган ва шуғулланиш истагини хотин-қизлар иштирок этди.

□ □ □

ЎЗБЕКИСТОН "Адолат" СДП вилоят кенгаши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, вилоят ҳокимлиги ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда семинар-тренинг ташкил этди.

Унда партиянинг дастурий мақсадлари, электрорат манфаатлари ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастуридан келиб чиқиб, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, партия депутатлик гуруҳларининг ҳудудларда депутатлик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий тамойиллари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

□ □ □

МАМЛАКАТИМИЗДА пахтачилик саноатини ривожлантириш истиқболлари ҳақида мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан белгиланган чораталбирларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Миллий матбуот марказида ташкил этилган мулоқотда мазкур йўналишда "Пахтасанот" АЖ илмий маркази амалга ошираётган ишлар ҳусусида фикр юритилди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Реклама ва эълонлар

«VIP REAL ESTATE» МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 5 июль кун 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибидида ўтказилади-ган "Очик аукцион" савдосига қўйидаги мулклар чиқарилмоқда: 1. ЖИБ Янгийўл тумани су-дининг 23.09.2015 йил-даги ижро варақасига асосан, Янгийўл туман СИБ томонидан хатлан-ган, бошланғич баҳоси – 200 766 363 сўм 28 тийин бўлган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Халқобод ҚФЙ ҳуду-дида жойлашган, умумий ер майдони 0,79 га, 8 та литердан "гараж бино-иншоотлари"; 2. Тошкент вилояти ҳужа-лик судининг 01.03.2016 йилдаги 11-1406/12050-сонли ижро варақасига асосан, Юқори Чирчиқ СИБ томонидан хатлан-ган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Янгийўл ҚФЙ, Ҳамкор-лик кўчаси, 101-уйда жой-лашган, бошланғич баҳо-си – 658 635 000 сўм бўлган, умумий фойдала-ниш майдони 2847,57 кв.метрдан иборат "ноту-рар бино" ҳамда бош-ланғич баҳоси – 320,300 000 сўм бўлган, умумий фойдаланиш майдони 1641,01 кв.метрдан ибор-рат "нотураар бино". Сав-дога чиқарилган мулклар билан тегишли туман СИБ бўлими вакили иш-тирокида бевосита жой-йига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдо-си қолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукци-он савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар-дан аризалар иш кунла-ри соат 12.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагини талабгорлар тузилади-ган закатал келишуви-га асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фо-изидан кам бўлмаган микдордаги тўлов ҳуж-жатида ижро ҳужжати рақама ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчининг АТБ "Infina BANK" даги 20208000600250595001, МФО 01041, ИНН 302681189 ҳисоб рақама-га тўлашлари ва ариза билан қўйида кўрсатил-ган ҳужжатларни топи-ришлари керак: жисмо-ний шахслардан – пас-порт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилган-лиги тўғрисидаги гувоҳ-нома нусхаси, агар вако-латли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шах-сини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закатал пули тўла-ганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонуний-лигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хиз-матлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz, www.realtors.uz. Лицензия рақамаи RR 0173.

"KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориши тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдосига 1) Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани СИБ томонидан Жи-ноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди-нинг 16.10.2015 йилда-ги 2-289/15-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи – 1 266 089 082 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Яшно-бод тумани, Авиасозлар кўчаси, 44-уйда жой-лашган, умумий ер май-дон 600,0 кв.м., умумий майдони 446,46 кв.м.даги 2 қаватли 9 хонадан иборат бўлган "тураржой (ховли)"; 2) Тошкент шаҳри, Шай-хонтоҳур тумани СИБ томонидан Жиноят иш-лари бўйича Юнусобод тумани судининг 21.08.2013 йилдаги 403/13-сонли ижро варақа-сига асосан, бошланғич нархи – 1 923 693 852 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий 2-берк кўчаси, 59-уйда жой-лашган, ер участкаси-нинг умумий майдони 19992 кв.м. бўлган, (0001 литердан 0013 литергача бино ва ин-шоотлар, шундан 0003, 0007, 0009, 0011, 0012, 0013 литердан иборат қурилмалар ҳужжати-сиз) "нотурааржой биноси"; 3) Тошкент шаҳри, Шай-хонтоҳур тумани СИБ томонидан 09.12.2013 йилдаги № 20340/15-сонли ижро ҳужжати-га асосан, бошланғич на-рхи – 203 811 913 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Тахтапал кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м., қурилган остидаги май-дон 359,44 кв.м., умумий фойдаланиш май-

дони 159,89 кв.м., яшаш майдони 126,12 кв.м. бўлган 7 та яшаш хона-дан иборат "тураржой (ховли)" қўйилмоқда. Такрорий аукцион сав-долари 2016 йилнинг 17 июнь кун 11.00 да Тошкент шаҳри, Олма-зор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жой-лашган 311-хонада бў-либ ўтади.

Ушбу савдоларда қат-нашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳоси-нинг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда зака-лат пулини "KOP TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалида-ги 20208000104931635001 ҳисоб рақамага тўлашла-ри шарт, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан те-гишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иш-тирокида бевосита жой-йига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдо-ларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегиш-ли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион сав-доларида иштирок этиш учун талабгорлар-дан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимшоиди савдоси ўтказилишига бир иш кун қолганда соат 17.00 да тўхтатила-ди.

Мурожаат учун ман-зил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беру-ний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия № 0039.

Юқори Чирчиқ туманидаги 12-умумтаълим мак-таби жамоаси муассаса мураббийи **Мавжуда ТҮЙЧИЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинлариға чуқур таъзия изҳор этади.

Вилоятдаги "Чимён", "Меҳржон", "Бойчечак", "Зангори олов", "Йўлчи" болалар соғломлаштириш оромгоҳларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, мавсумга шай ҳолатга келтирилди.

Ишчи гуруҳ томонидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, аниқланган муаммо ва камчиликлар бўйича тахлилий маълумотлар тайёрланиб, шаҳар ва туман ҳокимликларига ҳамда тегишли бошқарма ва ташкилотларга етказилди.

Оромгоҳлар болалар дунёқарашини бойитиш, ижодий қобилиятини шакллантириш, маънавий камол топишига ёрдам берувчи асосий тарбия манбаи бўлиб хизмат қилиши керак. Бунинг учун тарбиячи ва етакчилар ёз давомида ўз маҳоратларини тўла намойён этиб, болаларнинг таътил кунларини завқли ўтказишга ҳисса қўладиган қизиқарли чора-тадбирларни ташкил этишлари лозим. Вазирлар Маҳкамасининг "Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишдаги ишларни сифат ва мазмун

Бошлангичи 1-бетда.

жиҳатидан янада юқори босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Оромгоҳларга бирик-



МАРОҚЛИ ТАЪТИЛ – БИР ЙИЛГА ТАТИР

тириладиган педагог ҳодимлар малакасини ошириш учун махсус ўқув курслари ташкил этилди. Оромгоҳ раҳбарлари, бош тарбиячилар, етакчилар, ҳисобчилар вилеят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда ҳамкор бошқармалар томонидан аттестациядан ўтказилди.

– Болажонларнинг ёзги таътил кунларини қўнғилдагидек ташкил этиш учун бор куч-ғайратимизни аямаймиз, – дейди "Нихол" болалар оромгоҳи раҳбари Иброҳим Нурматов. – Оромгоҳимиз ўз бағрига 150 нафардан ортиқ болажонларни сиғдира олади. Мавсум-

да турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақаларининг ташкил этилиши, тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш бора-бора дастур ишлаб чиқдик. Олимпиадалар, маърифий танловлар, техник ва бадий ижодиёт кўрсатмалари, фан, санъат ва спорт намояндалари

димиз, болажонлар оромгоҳда ўтказган кунларини бир умрга эслаб қолишсин.

Тил ўрганиш ва дўстлик клубларида турли миллатга мансуб болалар ўзларига янги дўстлар орттиришса, Ёш томошабинлар театри ва бошқа ижодий жамоа-

ат тўғрисида суҳбатлар, ўқилган китоблар, намойиш этилган кинофильмлар муҳокамаси уюштирилади. Хуллас, таътилни ҳар бир кун, ҳар бир дақиқаси эсда қоларли воқеаларга бой бўлиши шубҳасиз.

– Оромгоҳлараро спартакиадалар, сузиш маш-

рихий обидаларга саёҳатлар ёш авлодда Ватанга муҳаббат, табиий бойликларни асраб-авайлаш туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади, – дейди вилеят касба уюшмалари ташкилотлари бирламчи кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўйича мудир Шайхона Одилова.

Куни кеча Бўстонлик туманидаги "Ёшлик" болалар оромгоҳида ташкил этилган ҳудудий семинарда ёз мавсумида болаларни мароқли дам олдириш ва соғломлаштириш масалаларига алоҳида ургу берилди. Унда оромгоҳларда болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли озиқ-овқат таъминоти, санитария-гигиена ва таълим-тарбия ишларини юқори даражада ташкил этиш масалалари атрофича муҳокама қилинди. Вилеят касба уюшмалари ташкилотлари бирламчи кенгаши ташкил этган тадбирда ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳ аъзолари, вилеят ҳокимлиги, тегишли идора ва бошқармалар вакиллари, стационар-оромгоҳлар раҳбарлари ҳамда ҳодимлари иштирок этди.

Мукаддас ИСРОИЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

ҲЕЧ КИМ МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишга қаратилган "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остидаги саломатлик ҳафталиги бошланди.

Саломатлик ҳафталиги

Чиноз тумани тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли поликлиникасида ҳафталик доирасида ўтказилган чуқурлаштирилган тиббий кўриқда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли, айниқса, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарорлари бу борада муҳим аҳамият касб этаётди.

Вилеятда айти пайтда 53 шифохона ва 303 қишлоқ врачлик пунктида 4 минг 700 дан ортиқ шифокор ва 30 мингга яқин ўрта тиббиёт ходими аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

– Ҳафталик давомида кам таъминланган оила вакиллари, ёлғиз қариялар ва ногиронлар тиббий текширувга алоҳида эътибор қаратилади, – дейди Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент вилеят филиали директори Камола Тўлаганова. – Текширувларга малакали кардиолог, терапевт, офтальмолог, стоматолог, невропатолог, травматолог ва бошқа шифокорлар гуруҳлари жалб этилган. Ташхис қўйишда энг замонавий тиббий ускуналардан фойдаланилмоқда. Касаллиги аниқланган беморлар тегишли тартибда тиббиёт муассасаларида соғломлаштирилади.

Ҳафталик доирасида шифокорлар хонадонларда бўлиб, нуронийлар, жисмоний имконияти чекланганлар ҳолидан хабар олмоқда. Мулоқотларда оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш юзасидан тушунтириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётди.

И. АВВАЛБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири.

ЗОҲИДНИНГ САККИЗИНЧИ ТҮПИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўрта-сидаги учрашувлар қизғин паллага кирди. Бу орада жамоалар Ўзбекистон кубогининг нимчорак финал учрашувларини ҳам ўтказишди.

Футбол



Бекбоднинг "Металлург" жамоаси Олмалик клуби футболчиларини 3:2 ҳисобида маглубиятга учратиб, иккинчи ўринга қўйди. Энди бекбодликлар ярим финалга чиқиш учун "Бунёкор" тўсиғидан ўтишлари керак.

Миллий чемпионатимизнинг 10-турида "Металлург" сафарда Навоийнинг "Қизилқум" жамоасига қарши тўп сурди. Мурасасиз кечган баҳсда "Металлург" ҳужумчиси Зоҳид Абдуллаев чемпионатдаги 8-тўпини кiritиб, ҳисобни очди. Унинг голига учрашувнинг сўнгги дақиқаларида Алишер Юсуповнинг голи билан жавоб қайтарган "Қизилқум" бир очкони ўзиники қилди.

Бекбодликлар тўплаган очколари сони 20 та етди. Шу кунги вилеятимизнинг яна бир вакили "Олмалик" ўз майдонида "Машъал"ни қабул қилиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Ашуралли БОЙМУРОДОВ.

Дарвоқе

Китоб – барча эзгуликлар негизи, ибрат мактаби. У билмаганларимизни ўргатади, ҳаётда қоқилмай

бахтиёр яшашга йўл кўрсатади. Доноларимиз айтганидек, у чиндан ҳам беминнат дўстимиздир.

КИТОБ – БЕМИННАТ ДЎСТИМИЗ

Бугунги кунда сермахсул ижодкорларимиз яратадиган турли мавзудаги асарлар кўпайиб бораётгани китобсеварларимиз учун айти муддао. Лекин уларнинг ҳаммасини ўқиб, ёдда сақлаб қолиш мумкинми? Бу бироқ мушкул масала. Чунки ҳар бир китобнинг ўзи бир дунё. Ҳўш, қандай қилиб ўқиганларимизни ёдда сақлаш мумкин?

Озод Шарофиддин "Маънавий камолот йўлларида" китобида шундай ёзда: "...Абдулла Қаҳҳор Чеховнинг битта ҳикоясидан ташкил топган китобчани қўлда қалам билан син-

чиклаб ўқиган ва ўқиб чиқиб, ўзида туғилган мулоҳазаларни тақриз шаклида ёзиб қўйган. Тўғри, бу тақризда асарнинг гоёвий мазмун, асосий қаҳрамонлари ҳақида гап йўқ, лекин шу аҳволда ҳам тақриз фойдали – унинг фойдаси шундаки, бу тақриз ўқилган китобни чуқурроқ эслаб қолишда ёрдам беради..." Кўриниб турибдики, адибга бу, албатта, фойда келтиради. Вақт

ўтиб асар мазмунини хотирадан кўтарилган бўлса ҳам, тақриз орқали уни қайта тикласа бўлади.

Айтайлик, сиз янги китоб ўқишга киришдингиз, ундаги воқеаларни қандай эслаб қолиш мумкин? Бунинг учун алоҳида битта дафтар тўтинг. Аммо, "Дафтарга ёзсам бас, керак бўлса ўқийман-да", десангиз адашасиз. Дафтар фақат ёдда сақлашга ёрдам беради.

Ҳаётда муваффақиятга эришиш учун уч нарсаси: кун тартибига, асабини бузмасликка, доимий ҳаракатда бўлишга қатъий амал қилиш керак. Ўзингизни назорат қилишингиз учун ҳам дафтарга ёзиб бориш гоёт муҳимдир. Китоб ўқишда ҳам битта дафтарга китоб муаллифи, номи, неча саҳифа экани, қайси йили, қайси шаҳарда, қайси нашриётда босилгани, таржима

асар бўлса таржимони кимлиги, ким муҳаррир бўлгани, китобни неча кунда, қандай шароитда ўқиганингизни ёзиб борсангиз ёдингиздан чиққан тақрирда ҳам шу дафтарни қайта ўқиб, мазмунини тиклашингиз мумкин. Машҳур психолог Делл Карнеги таъкидлаганидек, кимнингдир исмини ёдлаб олмоқчи бўлсангиз у ҳақида кўпроқ маълумот топиб, ўрганинг, дейди. Албатта, ҳар бир ишда тартиб бўлиши керак. Китобларни ўқигач, юқорида таъкидлаганимиздек, дафтар тутиб, тақриз ёзиб борсангиз, кейинчалик бу ўзингизга асқотасиз.

Сайдулла АСҚАРОВ,
Олмалик шаҳор
Кичиклик ҚХК
"Камолот" ЁИХ БТ
"Матбуот" сардори.

Бу гапни эшитган Машкура опанинг гаши келди. Ахир, яқиндагина Наврўз байрамига атласдан янги кўйлак тиктириб берганди. Бу сафар қизлар оппоқ либосда бўлишлари керакмиш. У ёқда турмуш ўртоғининг иши негадир юришмапти, бу ёқда рўзгорнинг таги кўриниб қолган. Олдинда яна бошқа харажатлар турибди. Шуларни ўйлаб, эзилиб ўтирган Машкура тўсатдан ёдига тушган фикрдан севиниб кетди. Шоша-пиша сандиғини титкилашга тушди. Ўтган янги йил байрамида қизига оппоқ кўйлак олиб берганди. У бир марта кийилганча, яна сандиққа тушганди. Мана энди кунига ярайдиган бўлди. Кўйлакни олиб, қўшни хонада расм чизиб ўтирган қизини чақирди. Лекин, ўтган вақт ичида Муни-санинг бўйи чўзилиб, тўлишгани панд берди – кўйлак сиғмади.

Янғисини олиб берай деса, яна кимдандир қарз олишига тўғри келади. Олмай деса, қизининг ўртоқлари олдида ажралиб қолишини истамай-

ди. Начора, фарзанди учун яна қарз кўтарди.

Иш шу билан тугаган бўлса кошкийди. Сартарошхонада

Мулоҳаза учун мавзу

ҚИЗАЛОҚ... ҚЎҒИРЧОҚ ЭМАС

қизининг сочини турмаклаш ва пардоз-андози учун ҳам анчагина пул сарфлади-ю, кейин ўзи ҳам танимай қолди. Қизи буткул ўзгариб, юз-қўздан катта қизларга ўхшаб қолганди...

Қизалоқларни бундай кийинтириш оналар учун балки ҳавасдир. Лекин, бу одоб-ахлоқ қондалари, кийинши маданиятига мутлақо тўғри келмайди. Болалик ва ёшлиқнинг ўзи гўзаллик. Бу гўзалликни бўрттиришга ҳаракат қилиш бачканаликдан, калтабинликдан бошқа нарса эмас. Қолаверса, тиб-

бий жиҳатдан ҳам боланинг саломатлигига салбий таъсири бор.

Хотин-қизларнинг ёшига

Яқинда Муниса тўрт йилдан бери қадрдон бўлиб қолган боғчаси билан хайрлашади. Боғча опасининг айтишича, хайрлашув кечасини эсда қоларли қилиб нишонлаш керак экан. Видеотасмага муҳрланган бу кеча кичкинтойлар учун боғча даврдан бир умрлик эсдалик бўлиб қолади. Шу сабабдан қизалоқлар янада чиройли кўринишлари учун алоҳида либосда бўлишлари заруримиз.

қараб ишлаб чиқариладиган кимёвий упа-эликлар қизчаларнинг нозик юз териларига ёмон из қолдиришга ким қалолат беради? Бошқа пардоз воситалари ҳам шундай. Бунга айримлар ишонмаслиги мумкин. Лекин бу – ҳақиқат.

Қизини байрам ва турли тадбирларда пардоз қилишига розилик бериб келган оналардан бири энди афсусда. "Қизчам шунга ўрганиб қолиб, қачон қарамай, меҳнинг упа-элигимни юзига сурарди, – дейди у. – Аввалига бунга оддий ҳолдек қараб,

айгач, қизил тошмалар йириклашди. Бирорта косметолог ёки шифокор йўқки, энди унинг юзини асл ҳолига қайтарса..."

"Бир марта қизимнинг сочини ҳавас билан бўям, – дейди бошқа бир она. – Сочини юваётганимда кўзларини очиб юборибди. Кўп ўтмай юзлари шишиб, кўзини очолмай қолди. Узоқ даволатишга тўғри келди..." Оналардан яна бири қизини болалигидан қўғирчоқдек кийинтирганининг жазосини энди тортаётгани ҳақида афсусланиб гапирди. Айтишича,

қизи улғайгани сайин хархашаси кўпайиб, ойда бир янги кўйлак киядиган, олиб беришмаса, аразлаб кўчага чиқиб

турли тадбирларда кўп гапиряишди. Лекин, очигини айтиш керакки, уларнинг бу фикрлари фақат воёга етган қизларга тааллуқли бўлади. Болалар эса негадир эътибордан четда қолади. Қачонки, оналар фарзандларини болалигидан миллий урф-одат ва анъаналаримизга мос кийинтиришни одат қилсалар, шундангина қутилган натижага эришса бўлади. Мактабга таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари-га келсак, тадбирларда болалар боғча кийими ва мактабларда жорий этилган либосларда иштирок этсалар, бадий чиқишларининг нуфузи ҳеч қачон камайиб қолмайди, балки ортади ҳам. Чунки, табиийликка нима етсин?

Биз келажақ авлодни юксак маънавиятлик қилиб тарбиялашни мақсад қилар эканмиз, кийиниш маданияти бу саъй-ҳаракатимизнинг узвий қисми эканини унутмайлик.

Маҳалла маслаҳатчилари кийиниш маданияти ҳақида

Жамила РАҲИМОВА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Маъмулий:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@uam.uz

Қабулхона:
Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08.
233-81-21, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
рўйхатга олинган.
Газета "Тошкент ҳақиқати"
таҳририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи
Нозима РАСУЛОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ